

БАҒДОД ТУМАНИ ҲОКИМИНИНГ ҚАРОРИ

Тумандаги автомобилотранспорт воситаларини

мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тўғрисида

27 февраль, 2020 й. №130

[“Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида”](#)ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 15-сон 197-модда, 2015 й., 52-сон, 645-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сонли “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори (Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси, 26.12.2017 й., 09/17/1010/0461-сон) ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январдаги 54-сонли Қарори билан тасдиқланган “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2003 й., 1-2-сон, 17-модда) асосан тумандаги автомобилотранспорт воситаларини 2020 йилда техник кўриқдан ўтказиш мақсадида

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 декабрдаги 1010-сон “Транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Қайд этилган қарор билан:

2018 йил 1 январдан бошлаб транспорт воситаларини мажбурий техник кўриқдан ўтказишда жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолати тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар томонидан ҳам текширилиши мумкинлиги;

2020 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситалари тадбиркорлик субъектлари – юридик шахслар томонидан мажбурий техник кўриқдан ўтказилиши белгиланганлиги инобатга олинсин.

3. Туман Ички ишлар бўлими йўл ҳаракати хавфсизлиги гуруҳи (А.Жакбаров)га зарур шарт-шароитларга (техник диагностика ускуналариغا, кўтариш мосламаларига ёки қараб чиқиш учун чуқурларга, назорат-ўлчаш асбобларига, асфальт ёки бетон қопланган бир текис горизонтал майдончага) ва малакали мутахассисларга эга бўлган ташкилотларга ва техника хизмати кўрсатиш станцияларида, тумандаги юридик ва жисмоний шахсларга шу жумладан хорижий юридик ва жисмоний шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг мажбурий техник кўриқдан (кейинги ўринларда “техник кўрик” деб юритилади) ўтказилиши таъминлансин.

4. Транспорт воситалари қуйидаги даврийликка мувофиқ техник кўриқдан ўтказилсин:

а) тижорат асосида йўловчилар ташиш учун фойдаланадиган енгил автомобиллар, автобуслар ва ўтириладиган жойлар сони 8 та ва ундан ортиқ бўлган (ҳайдовчининг ўрнидан ташқари), одамларни мунтазам ташиш учун жиҳозланган юк автомобиллари, йирик габаритли, оғир вазнли ва хавфли юкларни ташиш учун махсус транспорт воситалари ва уларнинг тиркамалари – бир йилда 2 марта;

б) ишлаб чиқарилганига беш йилдан кўп бўлган (ишлаб чиқарилган йили ҳам шу жумлага киради) транспорт воситасидан ташқари – икки йилда 1 марта;

в) ишлаб чиқарилган йилини ҳисобга олган ҳолда, ишлаб чиқарилганига беш йилдан ортиқ транспорт воситалари (мазкур банднинг “а” кичик бандида кўрсатилган транспорт воситаларидан ташқари) – бир йилда 1 марта;

г) тиркамалар кўриқка, транспорт воситаси – шатакчи учун белгиланган муддатларда. 1 / 2

Биринчи марта – 1 мартдан 30 июнгача;

Иккинчи марта – 1 сентябрдан 30 октябргача;

Жисмоний шахсларга тегишли бўлган автотототранспорт воситаларининг техник кўриги 2020 йилнинг 1 мартдан 31 августгача ўтказилсин.

5. Тумандаги транспорт воситаларини техник кўриқдан ўтказиш комиссияси таркиби 1-иловага мувофиқ, жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган транспорт воситаларининг 2020 йилги мажбурий техник кўриқдан ўтказишнинг 1- ва 2-босқичи 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 31 январь 54-сонли қарорида “Транспорт воситасининг мажбурий техник кўриқдан ўтказиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш ҳақидаги қарорнинг 3-банди талабларидан келиб чиқиб, туман мудофаа бўлими, ички ишлар бўлими ва давлат хавфсизлик хизмати ҳарбий бўлинмалари транспорт воситалари кўрсатиб ўтилган идоралар томонидан белгиланган тартибда мажбурий техник кўриқдан ўтказилиши назарда тутилсин.

7. Тадбиркорлик субъектлари – юридик шахсларнинг жисмоний шахсларга тегишли енгил автотранспорт воситаларининг техник ҳолатини текшириш бўйича хизматлар учун тўловларнинг чекланган миқдорларини белгилашда вилоят ҳокимлиги томонидан белгиланган тарифларига қатъий амал қилинсин.

8. Мажбурий техник кўриқ давомида комиссия таркибида иш олиб борган ходимларнинг доимий иш жойларидаги ойлик иш ҳақлари сақлаб қолинсин.

9. Туман ҳокимлиги Ахборот хизмати (Д. Полвонов)га мазкур қарорни “Бағдод ҳаёти” газетасида чоп этиш ва туман ҳокимлиги расмий веб-сайтига жойлаштириш вазифаси юклатилсин.

10. Мазкур қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2019 йил 25 февралдаги №792-сонли қарори ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

11. Ушбу қарор расман эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари А. Авлиёхонов зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими:

А. Турсунов

2020-03-03 18:58:04